


Болажон, бу боғлар – Сенинг ватанинг!

Юртимизда «Учинчи минг йиллик боласи» болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури ёш авлоднинг етук инсон бўлиб қамол топишига хизмат қилмоқда. Буни Нарпай тумани марказида жойлашган «Наргиза» мактабгача таълим муассасаси фаолияти мисолида кўриш мумкин.




Ёш бўлса-да, кўпчилиikka бош

Бундан ролпа-роса икки йил аввал Гулистон шаҳрида Ёш мутахассис Сайёра Саъдуллаеванинг ташаббуси билан Тошкентдаги «Машхура» фирмасининг филиали – «Машхура» ўқув маркази очилган эди. Мазкур марказ киска вақт ичида Сирдарё вилоятидаги таникли ўқув марказларидан бирига айланди.



Минг бир мўъжиза

Табиятни муҳофазалаш, биологик хилма-хилликни сақлаш борасида кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ишлар тўғрисида энг ноб ҳайвон турларидан ҳисобланган ситловлар 4-5, қор қоллон 2 ва кўнгир айик 5,5 бараварга кўпайди.



Isbonch

Одамларнинг энг яхшиси кишиларга манфаат келтирганидир. Хадисдан

2008-йил 22-йул № 87 (2500) seshanba

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Ўзбекистон-Кувайт: ҳамкорликнинг янги босқичи

Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 21 июл куни расмий таширф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.

Дўрмон қорғоҳида Кувайт Давлати Амирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фарҳи қорувул саф тортиди. Ислам Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ шохсупага кўтарилди. Ўзбекистон ва Кувайт давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат раҳбарлари фарҳи қорувул сафидан олтидан ўтдилар.

Ислам Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг яқинида суҳбатда Ўзбекистон-Кувайт муносабатлари доир масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов меҳмонни ортимизга таширфи билан кўтар экан, Кувайт Ўзбекистоннинг Форс кўрфазини минтақасида энг яқин ва ишончли шерикларидан бири эканини қайд этди. Ушбу таширф 2004 йилда бўлиб ўтган ал-Кувайт саммитининг маънавий давом эканини таъкидлаб, бу галги музокаралар икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада ошириб, янги мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирди.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистонга таширф этгани учун Ислам Каримовга самимий миннатдорлик билдириб, ушбу таширф икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар, ҳамкорликнинг хозирги босқичи ва истиқболлари юзасидан кенг фикр алмашиш учун яқин имконият яратилиши таъкидлади.

Ўзбекистон ва Кувайт халқлари ўртасида маънавий яқинлик бор. Хусусан, Кувайтда Мовароуннахрнинг ислом цивилизацияси, жаҳон илми ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк алломуларига катта ҳурмат-эҳтиром билан қаралади. ISESCO томонидан Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани халқимизни қанчалик қувонтирган бўлса, Кувайт жамоатчилиги ҳам бу хабарни шунчалик катта ҳушундлик билан кутиб олди.

2004 йилда Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», 2006 йилда эса «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайд» асарлари Кувайтда араб тилида нашр этилди. Бу Ўзбекистон ва Кувайт сивбат соҳасида, хусусан, халқаро ва минтақавий мисқода тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи турли таҳдидларга қарши курашда жиёслик ва ҳамкорлик зарурлиги борасида ҳамфикр эканидан ёркин далолатдир. Бу ҳамфикрлик икки мамлакатнинг терроризм ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроқ контрабандасига қарши курашишда, Афғонистондаги тикланиш ишларида ҳаммажидат ҳаракат қилишга интилишида ҳам намён бўлмоқда. Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида терроризм, наркотик вониталар қорбандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битим амал қилмоқда. Кувайт Трансафгон йўли лойиҳасига ҳам катта қизиқиш билан қаради.

Мамлакатларимизнинг экология соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш ҳам жуда долзарб масала. Кувайт суьдан тежамли фойдаланиш борасида катта таърибага эга. Бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш нафақат суь хўжалиги, балки қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳалари, шаҳар инфратузилмалари учун ҳам фойдалидир. Тежамкорлик ҳақида гап кетганда масала ўз-ўзидан энергетика соҳасига бориб тақалади. Ўзбекистон ва Кувайт ҳамкорлигида энергия таъмининг янги технологияларини ишлаб чиқиши ва бир-

қичлар томонларни қониқтирмайди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми нисбатан паст бўлиб, асосан Ўзбекистоннинг экспортдан иборат. Шу боис маҳсулотлар турларини қайтадан биргаликда кўриб чиқиш, савдо-сотихни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Қўшма корхоналарни кўпайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ўтказиладиган анъанавий пахта, тўқимачилик, сайёҳлик ярмаркаларида, бошқа иқтисодий форумларда, юртимизда кенг давом этаётган хусусийлаштириш жараёнида Кувайт вакилларининг кўпроқ ва фаолроқ қатнашишини таъминлаш икки томон учун ҳам фойдали бўлади.

Музокарада гуманитар ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. 1996 йили Тошкентда Кувайт халқаро хайрия ташкилоти – Осий мусулмонлари қўмитасининг бўлими очилган. Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк ақдоқларимизнинг юбилейлари бағишланган тантаналарда Кувайтдан нуфузли делегациялар иштирок этган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан Кувайтнинг вақф ва ислом ишлари вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

2007 йили Тошкент ва Самарқандда ўтказилган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзудаги халқаро анжуманда, ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бўлиб ўтган бошқа қатор тадбирларда Кувайтдан олимлар, мутахассислар фаол иштирок этдилар.

Бундан ташқари, Кувайт санъаткорлари Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг доимий қатнашчиларидир. 2007 йили бўлган фестивалда Гран-при – олий мукофотга Кувайт вакиллари сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Музокарада илм-фан, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, спорт каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита тузиш тўғрисида, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жағмараси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, мамлакатимиз ҳукумати билан мазкур жағмарга ўртасида Республика иқтисодлаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини таъмирлаш ва жиёзлаш бўйича кредит шартномаси (12,97 миллион АҚШ доллари), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Кувайтнинг «Mohammed Abdulmohsin Al-Kharafi & Sons» компанияси ўртасида меҳмонхона қуриш ҳақида меморандум, мазкур вазирлик билан Кувайт инвестиция агентлиги ўртасида англашув протоколи имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ислам Каримовнинг 2004 йилдаги Кувайтга расмий таширфи чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлса, бу галги Тошкент саммитида ана шу пойдевор янада мустахкамланди, икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди. Демак, Ўзбекистон-Кувайт муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига ҳам қўймоқда, дейиш учун барча асослар етарли.

(ЎЗА)



Маънавият сабоқлари



Хозирги тараққиётнинг бош омилини юксак маънавият ва унинг тамойилларини тасаввур этиш қийин. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асаринда Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида маънавий-маънавий, ғоявий ва мафқуравий, ўзликини англаш менталитети, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари, унга таҳдид – маънавиятга, миллатга таҳдид каби бир қатор муаммолар ўртага ташлангани, уларни ўрганиши, ўзлаштириши бугуннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Ўзига хослиги қайта тикланган ботлиқлиги жаҳонимизни янгилаш ва тараққиёт эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжйтишда халқ қилувчи, таъбир жоиз бўлса,

қўли, билими, доно ва албатта бахтли бўлиб яшашлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишимиз натижаси ўларок, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз,

Ифтихор туйғуси

Китобда одамзот учун ҳамма замоналарда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавият ва маданиятнинг маъно-маъмуни, унинг инсон ҳаётида ҳаётдаги ўрни ҳамда аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунақлар назарий ва амалий жиҳатлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилади. Айни пайтда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юрилади.

Хозирги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келадиган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафқуралар тасвиридан сақлаш ва химоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиладиганлиги бежиз эмас. Чунки Юрбюшонини айтмоқчи, «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва

бекиёс аҳамиятга эгадир». Қайд этиш лозимки, ғоят муҳим ва халқ қилувчи масалалар ўртага қўйилган мазкур асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-таърих институтлари ва марказлари, музейлари, аспирантлари, илмий ходимлари, олимлар ва тадқиқотчилар, умуман, маънавият ва маърифат дунёси билан қизиқадиган барча инсонлар учун маънавиятни тушуниш борада эътибор қўлланмадир.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққиёт топган давлатлар таърихисини ҳисобга олган ҳолда, олижаноб интилишлар билан яшаш тарихимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган овоз, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришадиган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз яқин биламиз.

Халқимизнинг дунёда ҳеч қимдан ҳам бўлмагани, фарзандларимизнинг биздан кўра

бекиёс аҳамиятга эгадир. Қайд этиш лозимки, ғоят муҳим ва халқ қилувчи масалалар ўртага қўйилган мазкур асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-таърих институтлари ва марказлари, музейлари, аспирантлари, илмий ходимлари, олимлар ва тадқиқотчилар, умуман, маънавият ва маърифат дунёси билан қизиқадиган барча инсонлар учун маънавиятни тушуниш борада эътибор қўлланмадир.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққиёт топган давлатлар таърихисини ҳисобга олган ҳолда, олижаноб интилишлар билан яшаш тарихимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган овоз, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришадиган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз яқин биламиз.

Халқимизнинг дунёда ҳеч қимдан ҳам бўлмагани, фарзандларимизнинг биздан кўра

(Давоми 3-бетда)

Навоий вилояти

Кенжа ўғилнинг алп одимлари

Истиқлол йиллари Навоий вилоятида исми қўрилмаган бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Хусусан, мамлакат миқёсида олтин, уран, цемент, мрамор, кимёвий маҳсулотлар ва электр энергиясининг асосий қисми шу ҳудудда ишлаб чиқарилмоқда. Вилоятда Навоий кон-металлургия комбинати, машинасозлик заводи, «Қизилқум-цемент», «Навоийазот», «Навоий электромим» қўшма корхонаси, Навоий иссиқлик электр станцияси, «Қизилқум фосфорит» комбинати каби йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатаётир.

Шу йилнинг апрел ҳолатига кўра, вилоятда ялли худудий маҳсулот кўлами 368,5 млрд. сўмни, саноат маҳсулоти (НТМК ёпиқ қисми) 2291,1 млрд. сўмни, истеъмол маҳсулотлари эса 31,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Ташқи савдо айланмаси 2008 йил январь-март ойларида 248,8 млн. АҚШ долларига етди. Экспорт қилинган маҳсулотлар миқдори 149 млн., импорт эса 99,8 млн. долларга тенгдир.

(Давоми 2-бетда)



Янгиликлар панорамаси

Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида Фузор туманида ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Ҳиммат

Яқинда Гулистон фуқаролар йиғини ҳудудда Қизил ярим ой жамияти туман бўлими ташаббуси билан кам таъминланган оила фарзандларидан 15 нафарининг суннат тўйлари ўтказилди. Мазкур тадбирнинг ташкил этилишига Шўртангазкиме мажмуаси, «Шўртангазкиме» унитар Хисоролди нефтьгаз қидирув шўъба корхоналари меҳнат жамоалари ва бир гуруҳ тадбиркорлар ҳомийлик қилдилар.

Тўйболаларнинг ҳар бирига халқ банкида ҳисоб рақами очилиб, омонат дафтарчаларига 10 миң сўмдан пул қўйилди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Isbonch» муҳбири

Грант қўлга киритилди


Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг худудий бўлиmlаларида 3950 нафар ходим меҳнат қилади. Утган йили жамиятда касабга уюшма қўмитаси ташкил этилди.

Республика ногиронлар жамиятининг Марказий девони: нодавлат, нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси, нодавлат, нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жағмарасининг 5 тур танловида «Ўзбекистон ногиронлар жамияти бўлиmlларида бирламчи касабга уюшма қўмитасини ташкил қилиш ва бўлиmlларда касабга уюшма қўмитаси ҳонасини мебеллар билан жиёзлаш, уюшма уюшма қўмитасини тиклаш, ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя ҳуқуқлари ва жамиятнинг «Меъёрий ҳужжатлар» китобларини тайёрлаб, ҳот эттириш, барча бўлиmlлар вакиллари иштирокида семинар ўтказиб, Ўзбекистон ногиронлар жамияти бўлиmlлари учун касабга уюшма лидерларини тайёрлаш асосий мақсад қилиб олинган.

Хозирги кунда ана шу вазифалар тўла амалга ошириляпти, касабга уюшма фаолияти йўлга қўйилди.

Хонбиби МАҲАМОВА

Навоий вилояти



(Боши 1-бетда)
Учқудук, Томди, Конимех ва Нурота туманларининг поёнсиз кенгликлариди ўсаётган чорва ҳисобини аниқ айтиш душвор. Соясиз адир, чўл шароитини кўз олдидингизга келтирадиган бўлсангиз, у жойларда ўтроқ яшашнинг ўзи қаҳрамонликдир.

2008 йилнинг апрел ойидаги маълумотга кўра, вилоятнинг барча тоифа хўжаликлариди 257.174 та қорамол, 1.772.423 бош қўй-эчки, 977.643 та парранда мавжуд. Бу 2007 йилнинг шу даврига нисбатан қорамол 7,5 фоиз, қўй ва эчкилар 3,1 фоиз, паррандалар эса 7,4 фоиз кўпайди деганидир.

— Қиш қаттиқ келган жорий йилда ҳам ҳар 100 бош қўйдан 110 тадан кўзи олиб, туёк сонини хўжаликда 47.855 тага етказишга эришдик, — дейди Томди туманидаги Жабай Балиманов номили ширкат хўжалиги раиси Рустам Туёқбоев. — Эндиликда от ва туялар сонини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратмоқчимиз. От инсонга яқин мададкор бўлса, ибн Сино айтиб ўтганидек, туяларнинг кашф этилмаган синоатлари кўп. Бизни қизиқтирган нарса шуки, туя жунининг баҳоси қўй-қўзиларникидан қарийб 4-5 марта юқори туради. Шунинг назарда тутиб, «Ах-ерке» номили жун ва қоракўлдан тайёр маҳсулот тайёрлаш цехи ташкил этилди. Унда Борзорбой Кузёмбоев бош-

сотиб олиш ниятида. Хар гал вилоятнинг олис кенгликларини сари ўтганда кийикларнинг аста-секин кўпаяётганини, улар дуч келгандан ҳайқмай эркин ўтлаб юришини эшитиб, қувонч туяман. Чунки кийиклар эркин кезган юртда қўт-баракка ортиб борар эмиш.

Бугунги кунда вилоятда 69 та янги фермер хўжалиги ташкил қилиниб, уларнинг сони 7292 тага етказилди. Шундан 6101 таси деҳқончиликка ихтисослашган. Уларнинг саъй-ҳаракати ўлароқ 2232 тонна сўт ва 1 млн. 345 минг донга туҳум етиштирилди. Фермер хўжаликлариди етиштирилган ялли маҳсулот 2,8 млрд. сўмни ташкил этди.

омбори, балиқ етиштириш учун ховуз қуриб, атрофига дарахт кўчларини ўтказиш тараддуидида. 13 гектар ердаги галлани йиғиштириб олдик. 34 гектар майдондаги ғўза парвариши ҳам кўнгилдагидек борапти. Хўжаликда 200 та қорамол боқилаяпти.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳалар каби таълим ва фан соҳасида ҳам ислохотлар ўтказилди. 1997 йили қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шундай изланишлар самарасидир. Ўтган 17 йил мобайнида вилоятда 111 та мактаб, 36 та коллеж, 4 та лицей, 2050 ўқувчиға мўлжалланган 13 та ётоқхона, 42 та спорт иншооти қурилди. Шу билан бирга 27 та мактаб тубдан таъмирланиб, уларға 7 млрд. 118 млн. сўм сарфланди. 13 та мактаб-

қувурлари, 2454 километрлик автомобил йўллари қурилди ва таъмирланди.

Навоий шаҳри 1958 йилда бунёд этилган. Шаҳардаги ўнлаб гигант корхоналар қаторида 10.515 нафар кишини бирлаштирган «Навоийазот» ОАЖ ҳам бор. Мазкур корхона қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит, аммиак ва нитрон сунъий толаси, сирка, каустик сода сингари бир қанча кимёвий моддаларни ишлаб чиқаришға ихтисослашган. Корхонада 5 та ишлаб чиқариш бирлашмалари бўлиб, уларда 80 та цех ва бўлинмалар



Кенжа ўғилнинг алап одимлари

чилигида тайёрланаётган иссиқ кийимлар, кўрпакларга берилётган буюртмалар кун сайин ошаётир. Бундан бир ярим йилча олдин туя жунидан махсус тиббий белбоғ тайёрлаб, сотишни йўлга қўйгандик. Хозир унга эҳтиёж ортиб бормоқда. Хўжалигимиздаги 795 та туянинг жунни камлик қилиб, эндиликда бу маҳсулотларни қўшни ширкатлардан ҳам

Қизилтепа туманида «Кубаро-Диёр» фермер хўжалиги иш бошлаганига кўп бўлмаган бўлсада, 64 гектар ерда деҳқончилик қилаётган хўжалик раҳбари Дилмурод Раҳмонов уста тadbirkор сифатида танилиб улгурди. Унинг фикрини, ниятларини бир эшитинг-а!

— Аини пайтда ёзги молхона қурилиши ниҳоясига етапти. Шунингдек, товўқхона, ем-хашак да эса 220 млн. сўмлик жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Кейинги йилларда фуқаролар манфаати йўлида хайри ишларни амалга ошириш кунлик юмушлардан бирига айланаётир. Шу аснода 130 та врачлик пункти, 2 млн. 925 минг квадрат-метр турар-жой биноси, 1296,3 километрлик ичимлик суви, 2433 километрлик табиий газ

фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Навоий худуддаги қатор муассасаларнинг турли-туман маҳсулотларини қайта ишлаб берувчи йирик саноат маркази ҳамдир. Турли миллатга мансуб навоийликлар озиқ-овқат ва маҳаллий саноат муассасалари, пахта тозалаш заводи, нон маҳсулотлари комбинати, паррандачилик фабрикаси каби кор-

хоналарда ҳам меҳнат билан банд. Инсоннинг наздида саломатлигининг баҳоси йўқ, Шунинг учун эрқарвар диёримизда эл саломатлигини сақлаш доимо давлат аҳамиятидаги долзарб вазифалардан саналиб келади. Вилоятда 240 та тиббиёт муассасаси, жумладан 8 та туман ва 2 та шаҳар тиббиёт бирлашмаси, 7 та диспансер, 10 та санитария-

эпидемиология маркази аҳолиға тиббий хизмат кўрсатапти. Давлат дастури асосида қишлоқларда кейинги икки йил мобайнида 136 та врачлик пункти ташкил қилинди. Уларға Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкнинг кредити хисобига 2,5 млн. АҚШ долларига тенг асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. «Ешлар йили» давлат дастурида белгиланган тadbirkорлар қизгин давом эта-

ётган аини дамларда Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ҳам талай ибратли ишлар амалга ошириляпти.


— Дастур ижроси хусусида раёсат йиғилишида аниқ мақсадлар белгилаб олинган, — дейди бирлашма кенгаши раиси Нормурод Хўжакулов. — Хозир ишчи гуруҳлари иш олиб борапти. Байрамларда касаба уюшма ҳиммати ва эътибори етиб бормаган жамоалар деярли қолгани йўқ. Корхона ва ташкилотларда ишляётган ёш оила-лар, талаба ва ўқувчилардан 1370 киши Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёхатға олиб борилди. Шунингдек, 50 нафар ёш ходим дам олишға юборилди. Бунинг учун корхона ва ташкилотлар ҳамда касаба уюшмалари қўлгандан 21.258.500 сўм сарфланди. Иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшмаларининг устами стипендияси жорий қилинди ва бунинг учун 3.820 минг сўм ажратилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигиға тайёргарлик қизгин кетаётган аини дамларда навоийликлар яна бир муборак санани нишонлаш тараддуидида юришибди. Республикаимиз Президентининг 2008 йил 1 июлдаги «Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигиға тайёргарлик кўриш ҳамда уни нишонлаш тўғрисида»ги қарори вилоят ахлини руҳлантириб юборди. Хозир бу борада ҳам тайёргарлик авжида. Демак, тўй устиға тўй! Демак, қилинган хар бир эзгулик, хар бир хайри иш самара беришиға шўбха йўқ.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбирлари



Учинчи минг йиллик боласи



Болажон, бу боғлар — Сенинг ватанинг!

Авалло қайд этиш лозимки, «Наргиза» вилоятдаги илгор таълим муассасаларидан ҳисобланади. Унга таърибли педагог Мехри Саъдинова раҳбарлик қилади.

Боғча ҳовлиси унча ҳашаматли кўринмасада, хар бир ўриндик, майдонча унга ўзига хос хусус бағишлаб турганини тан олиш жоиз. Эртан қаҳрамонлари акс этган ҳайкал ва манзаралар сизни секрли олам сари етказлади. Энг муҳими, болалар фойдала машғулот билан банд.

Юртимизда «Учинчи минг йиллик боласи» болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури ёш авлоднинг етуқ инсон бўлиб камол топишиға хизмат қилмоқда. Бунинг Нарпай тумани марказида жойлашган «Наргиза» мактабгача таълим муассасаси фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Йўнлари ҳам киритилганини кўриб, хурсанд бўлдик. Боғча мудири Мехри Саъдинова суҳбатимизни давом эттиради: — Нутқ ва тафаккурни ривожлантиришда завқли ва эсда қоларли машқлардан фойдаланиш мақ-

рассом Нигора Рустамова болалар билан «Бўғирсоқ», «Доно кўнча» каби бир неча эртанки сахналаштирган. Таникли бахши Зийдулла Исломов мазкур муассасанинг шундоқина қаршидаги хонадонда яшайди. У набиралари билан тез-тез ке-

зирлиги ҳузурдаги болалар спортини ривожлантириш ҳамгармасининг иккинчи даражали дипломини қўлга киритган «Наргиза» вакиллари деярли хар йили «Соғломжон-полвонжон» беллашувида юқори ўринларни эгаллашар экан.

Ютуқлардан сўзловчи диплом ва ёрликлар орасидаги бир ҳужжат эътиборимизни тортди. Бу шу йил вилоят марказида «Самарқанд тарихини биласизми?» мавзуйида мудирилар ўртасида ўтказилган танловдан эсдалдик. Унда Мехри Саъдинова 2-ўринни олган экан.

Суҳбатимиз давом этаётган хонаға мусиқа раҳбари Иззатулла Маматов кириб, мудириға юзланди: — Опа, бугун ҳам машғулот учун овоз кучайтиргичларни болалар истироҳат боғи худудига ўрнатсак, нима дейсиз?

Бундай тақлиф биринчи бора эмаслиги кўриниб турибди. Негаки, шаҳарнинг сўлим боғи шундоқина ёнма-ён жойлашган. Руксат олинган, бироздан сўнг у ердан мусиқа садолари ҳамда болаларнинг жарангдор қўшиқлари эшитилди.

Қўшиқ жойбаси тортиб, ҳадемай томошабинлар ҳам қўпайиб қолди. Рақсға тушаётган қизалоқларнинг завқи уларға ҳам кўнган эди...
А. МАНСУРОВ

Истиқлол берган имкон

«Беруний ёғгар»да иш қизғин

Бошлаши қўллаб янги иш ўринлари ташкил қилишға ҳам сабаб бўлди. Ешлар йилида «Беруний ёғгар» жамоасининг ниятлари янада улуг. Ёғ ва ёғ маҳсулотлари сифатини тубдан яхшилаб бориш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, аҳоли дастурхониға янада кўпроқ маҳсулот тортиқ қилиш борасидаги изланишлар давом этмоқда.

Улли БОБОЕВ, «Ishonch» мухбири

Ислохот инсон учун

Солиқ юки енгиллашмоқда

Республика иқтисодиётини ривожлантириш, тadbirkорлик фаолияти эркинлиги қафолатларини таъминлаш ҳамда уларнинг давлат раванқи йўлидаги фаолигини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан солиқ қонунчилигиға оид қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бунинг натижасида сўнгги етти йил мобайнида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизға, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизға, кичик бизнес субъектлари ва

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ 10 фоизға туширилди. Жисмоний шахслар даромад солиқ ставкалари сезиларли даражада пасайтирилди. Жорий йилда ҳам солиқ соҳасини янада эркинлаштириш борасида олиб бориляётган ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, банк муассасалари учун даромад солиғи 17 фоиздан 15 фоизға, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектлари, фермер хўжаликлари учун ягона

солиқ ставкаси 10 фоиздан 8 фоизға камайтирилди. Даромад солиғи эса 10 фоиз никдориди сақлаб қоллинди. Пировадидида корхона ҳисобида қолган маблағлар ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш, моддий техникавий базани янгилаш ҳамда ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилишға ва бошқа эҳтиёжларға сарфланади. Азиза ШЕРМАТОВА, Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси шўбха бошлиғи

Касаба уюмлари нодавлат секториди

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерациясига бирлашган касаба уюмларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Харажат Дастурини амалга оширишни жадаллаштириш, айниқса, нодавлат сектори ходимларини касаба уюшма сафларига жалб этиш ва уларни ижтимоий ҳимоялашни кўчатириш асосий вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бу эса айтилган вақтдаги фаолият услуб ва усулларини бугунги кунга мос равишда ўзгартиришни тақозо этади. Мухбиримиз Тошкент вилояти савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тadbirkorлар касаба уюшмаси кенгаши раиси Баходир МИРЗАЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

меҳнат таътилига чиқишида қўшимча бир ойлик маоши микдориди моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, жамоа аъзоларининг тўйларида ёки уларни нафақага кузатиш маросимларини ўтказишда ҳам иш берувчи маблаг ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Шунингдек, ходимларнинг самарали ишлаши учун хавфсиз иш жойлари ташкил этилган. Шу йил уларнинг 12 нафар фарзанди Тошкент

номидаги Давлат академик катта театрига ташир буюришди. Мен кўпинча меҳнаткашлар билан учрашганимда уларнинг ташкилотимиз ҳақидаги илиқ гапларини эшитаман. Ахир биз учун бундан ортик мукофот борми?

— Афсуски, орамизда касаба уюшма ташкилоти моҳиятини тушуниб етмаётганлар ҳам учраб туради.

— Вилоятдаги айрим қўшма корхоналарда бу масалага панжа орасидан қараб учрамоқдаки, бу билан асло келишиб бўлмайди. Айрим қўшма корхона раҳбарлари аллақандай важларни рўқач қилиб, касаба уюшма ташкилоти тузилишига монелик кўрсатишади. Бунинг натижасида айнан ўша қўшма корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги камчиликлар барҳам топмайпти. Техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қондаларига суғ суря этиляпти. Кўпчилигида меҳнат қончилиги бот-бот бузилиб турибди.

Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтишни истардим. Меҳнат учун муносиб ҳақ олишни касаба уюшмалари қафолатлайди. Ишчи-хизматчиларни меҳнат муносабатлари соҳасида камситиш ва ноқонуний ишдан бўшатишдан ҳимоялайди. Ҳар бир ходимнинг адолатли иш ҳамда дам олиш вақти режимига бўлган ҳуқуқини амалга оширади. Қариликда муносиб пенсия олиш масалаларида ёрдам қилади.

Бунга ҳар бир раҳбар, қолаверса, ҳар бир ходим тушуниб етмоғи зарур.

Суҳбатдош: Неймат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири



Россия Таълим ва фан вазирлиги Россия фуқаролигини олоққи бўлганлар учун 2008 йилнинг сентябр ойига рус тили бўйича янги тестларни тайёрлайди. Талабгорларга тестдан муваффақиятли ўтганда бериладиган сертификат шакли ҳам ўзгартирилди.

«Время новостей» агентлигининг хабар беришича, тестлар ва ҳужжатнинг шаклини қайта қўриб чиқиш ҳақида Таълим ва фан вазири Андрей Фурсенкога мамлакат президенти Дмитрий Медведев топширик берган. Президентнинг фикрига қўра, ҳозирги тестлар рус тилини билиш бўйича умум қабул қилинган стандартларни акс эттирмайди. Ҳозирги пайтда Россияда фуқароликка талабгорларнинг рус тилини билиш даражасини аниқлайдиган 200 дан зиёд марказ фаолият юритади. Федерал миграция хизматининг маълум қилишича, 2007 йили 325 мингта яқин кишига Россия фуқаролиги берилган.

Яҳудийларга товон пули тўланади



марталик товон пули қамалдаги Ленинградда яшаган, айтилган фарб мамлакатларида истикомат қилаётган яҳудийларга тўланади. «Claims Conference» матбуот қотибининг айтишича, бундай кишилар сони 6 мингта яқин. Тарихчиларнинг маълумотига қараганда, 1941 йили Ленинградда 3 млн.га яқин киши қуршова қолган. 1943 йил январ ойида совет яҳудийлари томонидан қамал ёриб ўтилган, бир йилдан кейин эса бутунлай бартараф этилган. Қамал вақти асосан очлик ва совуқдан бир неча юз мингдан миллион нафаргача киши ҳалок бўлган.

Англияда камёб дарахтлар кесилишининг олдини олиш мақсадида янги қонун қабул қилинди, дея хабар беради РАТАТАСС. Ҳужжатга қўра мамлакатда кам учрайдиган дарахтларга нарх белгилади, улар махсус рўйхатга киритилади. Дарахтларнинг баҳоси ёши, ҳолати, атроф-муҳитга таъсири ҳамда ташки кўринишига қараб қўйилади. Мутахассисларнинг сўзларига қўра, мамлакатда сўнгги беш йил ичида қурилиш компаниялари томонидан ўн олти мингдан зиёд ноёб дарахт кесилган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, қонунбузарларга катта микдорда жарима солинади. Маълумотларга қараганда, мамлакатда энг қиммат дарахт — Лондоннинг Беркли майдонидаги чинор 1,5 миллион АҚШ долларига баҳоланган.

Тўя минг танга — мана минг танга, тўя бир танга — қани бир танга?



тўртта апелсин сотиб олиш мумкин. 2003 йилдан буён мамлакат Марказий банки муомалага чиқараётган банкнотлар пул эмас, амал қилиш мuddати катий чекланган чек ҳисобланади. Чунки Зимбабведа инфляция даражаси жуда юқори бўлиб, 16 июл куни Марказий банк берган маълумотга қўра мамлакатда пулнинг йиллик қадрсизланиши 2,2 млн. фоизни ташкил этган. Юқорида айтиб ўтилган 100 млрд. долларлик купюралар 2008 йилнинг 31 декабрига қадар муомалада бўлади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Агроранот мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Илҳом Сабдаровнинг волидаи муҳтарамалари САЛОМАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чўкур таззия билдиради. Ёқилги-энергетика комплекси, кимё санаети ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Тошкент вилояти вакилиги ўз тасарруфидаги «Саноатуй-энергетика» шўъба корхонасининг касаба уюшма қўмитаси раиси Акбаров Раҳматжон Рискуюловичга акаси Аҳмаджон аянинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чўкур ҳамдардлик изҳор этади. Агроранот мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгаши раиси Илҳом Сабдаровга волидаи муҳтарамаси САЛОМАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўкур таззия изҳор этади.

2008 йил — Ёшлар йили

Бундан роппа-роса икки йил аввал Гулистон шаҳрида ёш мутахассис Сайёра Саъдуллаева-нинг ташаббуси билан Тошкентдаги «Машхура» фирмасининг филиали — «Машхура» ўқув маркази очилган эди. Мазкур маскан қисқа вақт ичида Сирдарё вилоятидаги таниқли ўқув марказларидан бирига айланди.

Ёш бўлса-да, кўпчиликка бош

Марказни ҳар ойда ўртача 100 нафар ўқувчи битириб чиқади. Уларга тикувчилик, каштачилик, сартарошлик, кулолчилик, компютер сабоқлари, оилавий ҳамширалик, ҳайдовчиликдан сабоқ берилади. Ўқув жараёни яқунига етгач, ўқувчилардан имтиҳон олинади. Синовдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга «Машхура» фирмасининг махсус дипломи топширилади. Сайёра Саъдуллаева ёш бўлишига қарамай, кўпчиликка бош бўлиб, тикувчилик ва бошқа замонавий касб-ҳунар йўналишлари бўйича сабоқ беради. Сайёранинг дарс ўтиш усули мураккаб эмаслиги билан ажралиб туради. Бизга бу фикрнинг марказнинг тикувчилик курси ўқувчиси Холда Алибоева айтди. — Битта мавзу ўзлаштириб бўлинмагунча

Маънавият — бузилмас кўрғон

Кунги кеча Қибрай молия иқтисодиёти коллежида Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Тошкент вилояти савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тadbirkorлар касаба уюшмаси кенгаши томонидан ўтказилган ушбу тadbирда касаба уюшма ва тумандаги «Наврўз» маҳалла фаоллари, шунингдек, коллеж талабалари ҳамда ўқитувчилари иштирок этишди. Тadbирда сўз олганлар мазкур рисола тармоқдаги нодавлат сектор корхоналари ва уларнинг касаба уюшма ташкилотлари етакчиларига ўз маънавиятларини бойитишдек ўта долзарб вазифани тўлақонли бажаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар. Урашув йигилганларда чўкур таассурот қолдирди. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар



Маънавият сабоқлари

(Боши 1-бетда) Жамиятнинг янгиланишида маънавият устувор аҳамиятга эга. Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоян бўлади. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, кадр-қиммат деган, бир-бирини чўкур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул муаммодир. Бу тушунарлар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас! Улар арслар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шуриимиздан чўкур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир. Ислохотларнинг ҳам маънавий мезони бўладими? «Ўзбек модели»даги бешта тамойил айтилганда маънавий мезон, тараққиётимизнинг аниқ ўлчови, ҳисоб-китобидаир. Ислохотларнинг дастлабки босқичидан бошлаб ҳозирга қадар кенг қўламли барча режаларда халқимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. Инсониятнинг кўп минг йиллик таърибисини шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва таъовузкор қушлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор,

уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлиши миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги қўллаб-қўлловларда ҳам кўришимиз мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда

Ифтихор туйғуси

шак-шубҳасиз хал қилувчи аҳамият касб этади. Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар деганда, аввало, тили, дини, этикоидидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари назарда тутилади. Асарда қайд қилинганидек, масалага амалий қўз билан қарайдиган бўлсақ, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж — бу миллатимизни миллат қиладиган, арслар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос ху-

лардан бизни тўтунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни қўлаштини, ўйламанки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади. Ҳар доим фикрлар хилма-хиллиги тараққиётни, маънавиятни юксалтиради, яъни илғор, ибратли фикрлар жамият ривожини таъминлайди. Демак, ушбу мавзуда ҳозирги кунда маънавиятимизнинг асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб савол қўйилса, бугун ҳеч иккиланмай шу юрда яшавтган ҳар қайси инсон ўзликни англаши, бой тарихимиз ва юксак маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чўкурроқ ўзлаштириши, бугунги

Таассуф

Исик жон борки, касал бўлади. Бемор учун эса дори-дармон керак. Айниқса, чекка қишлоқда қўққисдан тоби қонган кишига шифокор етиб келгунча биринчи ёрдам кўрсатиш лозим. Демак, дори сотишнинг даромайи катта. Нарҳига ҳам ҳеч ким тортишмайди.

Маҳмуда Дусманбетова ана шу халлар билан ишга киришди. Бозори юришавергач, маҳсулотни кўпайтирди. Аммо у ҳар бир ишининг ўз қонун-қоидаси борлигини унутди. Янгиқўрган туман ДСИ ҳамда департамент ходимлари билан ҳамкорликда дипломсиз дорифуруши дори-дармон савдоси устида қўлга туширишди. Аниқланишича, унинг дўкониди 253 турдаги 739.780 сўмлик истеъмолчилар ҳаёти учун хавфли бўлган сифатсиз дори-дармонлар ҳеч қандай ҳужжатсиз, сертификатсиз, бунинг устига тегишли рухсатномасиз сотиб келинаётган экан. Туман суди М.Дусманбетованин ноқонуний хатти-ҳаракатига тегишли баҳо бериб, қилмишига яраша жазо тайинлади. Унга 558 минг сўм жарима солинди. Н.АБДУЛЛАЕВ, СВОЖДЛҚК Департаментининг Янгиқўрган туман бўлими бошлиғи

Пул топаман деб...

ИЛҲОМ

Эй бировар...

Ноҳақликки бу дунёда бор экан, Озорлар етади дилларга баъзан. Ахтариб қолсан ўзингга ҳамдард, Зарур бўлиб қолар мадад дафъатан.

Бир оғиз сўзиам дўстнинг шу онда Кўнглингни кўтарар тоғ этиб баланд. Кутасан йўлга кўзинг бўлиб тўрт, Қани келақолса у дили пайванд.

Аламчи томони, узоқларни кўй, Кечаги дардақинг, дилкашинг обдон, Ҳатто жигаринг бўлар бегона, Улар ҳам чиқаркан шу тобда тобдан.

Хайрият, бундайлар жуда-жуда оз, Лекин бор-да номард, ноқаслар ҳали. Тўхтамас, ёмонлик қиларекор боз, Яхшининг кўнглини қора эттали.

Шундайкан, ҳар тобда тайёр бўл, Эй дўст, Эгиллиб қолмагин гирром дастидан. Бу синов, шукур қил, шак келтирма ҳеч, Оллоҳим асрагай ёмон қасдидан.

Жўракул Йўлдошев

Ҳаёт

Умр йўли машаққат, Унқир-чўнқир бўлади. Ким ёнгару, кимнингдир Паймонаси тўлади.

Интилиб яшаганга, Толье кулар, албатта, Ва ўрнини топади, Уша инсон ҳаётда.

Тўлқин ҲОТАМОВ, Қўшработ тумани

Жумбок

Қадим замонда зироат билан шуғулланиб, тирикчилик қилувчи кишининг фарзанди куллик хунарини эгаллашга ихлосманд бўлибди. Ота ўглини олиб бир манзилда яшовчи донғи кетган куллогга топширибди. Угли йиллар давомида куллик сирларини ўрганибди. Мустақил ҳолда турли буюмлар ясай оладиган бўлгач, устозидан фотиҳа олиб, қишлоғига қайтибди.

У хонадонини яқинида зарур асбоб-анжомларни тайёрлаб олгач, ўрганган хунарини ишга солиб, сопол идиш-товоқлар ясаганга киришибди. Лекин ҳарчанд ҳаракат қилмасин ясаган буюмлари устози ясаган буюмлардек жилавор чиқмаганидан кўнгли хижил бўлибди. Уйлай-уйлай отаси билан бирга устози хузурга борибди. Аҳволни тушунтириб, мақсадларини баён этибдилар. Уларнинг муддаоларини билган устози: — Оруз қилган мақсадингга эришинг учун менинг ҳисобингга бир йил хизмат қилсан, — дея шарт қўйибди.

Ота-ўғил устознинг бу шартига розилик билдирибди. Уйлай янада диққат эътиборини жалб қилиб, бор вужуди билан хунар сирини билиб олишга тиришибди. Бирок шунга қарамай бунинг уддасидан чиқа олмабди. Белгиланган муддатнинг сўнгги кундагина устози пинҳон тутиб келган, кулликчиликнинг энг нозик ва муҳим сирини ошкор қилибди.

Ҳурматли муҳлис! Устоз кулол шоғирдига аҳамият бериш зарур бўлган сирини қандай изоҳлаб берганингни топиш билан жумбокни ҳал этинг.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлади

Эзгулик — шиоримиз

Кўпгина саховатли ишлар бошида қасаба уюшмалари турганлиги кўнгилда фахр уйғотади. Қолаверса, кўрсатилаётган кўмак кўп ёки озлиги билан эмас, балки ўз вақтида амалга оширилиши билан аҳамиятли.

Тумандаги таълим ва фан ходимларининг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқариш ва соғломлаштирилишида бир лаҳза бўлса ҳам фаолликини сусайтирмасликка ҳаракат қилмайдими. Бунда бошланғич қасаба уюшма ташкилотларининг ўрни алоҳида эҳқалиғини таъкидлаш лозим.

Март ойида 19 нафар иқтидорли ва ташкилотчи соҳа ходимларининг қасаба уюшма вакилиги томонидан қадимий Самарқанд шаҳрида саёҳат уюштирилди. Кейинги ойларида уларнинг сони

49 нафарга кўпайди.

Бошқа жойларда бўлганидек, келажакдаги вазирлар саналган фарзандларимизнинг соғломлаштирилиши ва кўнгилли дам олиши доимо диққат марказимизда. Мақтабдони оромгоҳлардан ташқари тумандаги «Дўстлик» оромгоҳи айна дамба болажонларимизнинг кўноқ уйини-қулгуларини билан тўлган. Биринчи босқичда 35 нафар соҳа ходимларининг, жумладан, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари бу маскан кўйнида яйраб дам олишди. Яқинда иккинчи босқич дам олувчилар хузурда бўлганимизда ўғил-қизларимизни нигоҳидаги беғубор шодликдан кўнгилда қувонч уйғонди. Қўмақдошликнинг таъсири барча жойларга баробар

Болаликнинг

завқи бошқача

етиб боришида бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг жонқурлиги ва сезгирлиги муҳим ўрин тутди. Хусусан, «Энг намунали қасаба уюшма ташкилоти» кўрик-танловининг ўтказилиши бу борада анча-мунча изланишларга сабаб бўлди. Қолиб чиққан 7- ва 37-мактаб бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари рангли телевизор ҳамда DVD аппарати билан

тақдирланди. Сентябрьнинг ўрталарига бориб бу танловнинг яна бир бор ўтказилиши режалаштирилган. Мақсадимиз бевосита аъзолар билан ишлаш услубини жонлантиришга эришишдир. Вақиллигимизда шу кунларда туман ХТБ билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича сафарбарликлар бошлаб юборилган.

Қаҳрамон МАҚСУДОВ, Республика Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Қизилтепа туманидаги вакили

Бир ўлкаку...



Р.ШАГАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Маҳалланг — отанг-онанг

«Янги Камолон» маҳалласи Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида жойлашган бўлиб, мустақиллик йиллари ташкил топган. Ўтган даврда бу ерда кўплаб ишлар қилинди. Жумладан, маҳалла гузари қад ростлади. Ҳозирги кунда тўй-ҳашам ва маъракалар орғичча ҳаракатларсиз, тартибли ўтказиб келинмоқда. Бунга оқсоқол ва тўй-маъракаларни ўтказиш комиссияси аъзоларининг сайёҳлик ҳаракатлари туфайли эришилди. Кези келганда айтиш жоизки, маҳаллада ташкил топган комиссияларнинг ҳар бири йил бошида тузилган режа асосида иш юритади.

— Бизда байрамлар яхши кутиб олинади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иброҳим Бўрибоев. — Айём арафасида хашар уюштирилиб, теварак-троф ободонлаштирилади. Шу баҳона кўп қаватли уйлардаги кишилар дийдорлашибди. Хашар маҳалладошлар бирлигини мустаҳкамлайди. Қолаверса, бундай тадбирларга ёшларни ҳам жалб қилиш уларнинг тарбияси учун жуда муҳим.

«Янги Камолон»да болалар майдончалари

Маҳаллада иқтимоий ҳиммага муҳтож кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолмапти. Масалан, ўтган йили 50 та кам таъминланган оиланинг коммунал тўловлардан қарзларини қоплаш учун 3,5 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Оқсоқол бошчилигида бу ерда вақти-вақти билан адабий кечалар, турли мусобақалар ўтказиб турилади. Бундан ташқари, фуқароларнинг маънавий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида, турли соҳа вакиллари жалб қилган ҳолда давра суҳбатлари ташкил қилинади.

Иброҳим ақанинг маҳаллага оқсоқол этиб сайланганига унча кўп вақт ўтгани йўқ. Шунга қарамай у бир қанча ишларни қилишга улгурди. Биринчи мисол. У киши иш бошлагандан кейин бирйўла 6 та болалар майдончалари тўловлардан қарзларини қоплаш учун қўриқиб, ишга туширилди. Уларда ўрнатилган жиҳозлар болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун жуда қулай. Ота-оналар учун ўриндиқлар қўйилган. Ҳозирги кунда иккита дўкон, сартарошхона, қасбобхона, тикувчилик хонаси қурилмоқда. Маҳалла тўйхонасини ҳам кенгайтириш режалаштирилган.

Фулум ЮСУПОВ, «Ishonch» мухбири

Яқин ўтмишдан

Тафтишчи: — Хўш, раис бува! Тафтишни қандай бошлаб, қандай яқунлай? Кимни чуқурроқ текширай, кимни сийпалаб ўтай? Раис: — Иложи бўлса, ҳеч кимнинг бурнини қонатманг. Ҳаммаси менинг «согин сизиларим». Бир хили икки-уч йилдан бери «сут» бераётган бўлса, бир хили энди «сут»га қираяпти. Тафтишчи: — Бўлмаса, кам «сут» бераётганларидан бошлар эканмиз-да. Раис: — Иложи борица пўстагини қоқинг-у, ўзларига сув юқтирманг. Уларни қаттиқ жазолаб қўйсангиз, менинг шўримга шўрва тўкилади-ку. Тафтишчи: — Унда нима қилай? Раис: — «Шўрва»ни ўзларига шундай суздирингки, ундан сиз ва мен ичайлик. Тафтишчи:

Мита

Интермедия

— Узи-чи? Раис: — Узи сизнинг ногорангиз авжидан кўрқиб, тезроқ «серсут сизилар» каторига қўшилсин. Тафтишчи: — Олманинг шохига урсанг хосили ўз-ўзидан тўкилади демокчисиз-да. Раис: — Худди шундай, укагинам. Тафтишчи: — Бўлмаса ўзингиздан бошладик. Нима учун аллақачон ҳисобдан чиқариб юборилган машина ва тракторларга жимжимдор қилиб имзо чеккансиз. Раис (бевозталаниб): — Тафтишчи ука, олдин ҳўкизинг шохларига уринг, танаши ўз-ўзидан зирқирайди. Ҳамён ҳам шунга қараб гурқирайди. Тафтишчи: — Балли! Раис: — Фаросатингизга қойилман! Тафтишчи: — Ишни прокуратурага оширишга мажбурман, раис бува. Раис (ўзи): — («Ошириш» деб шаъма қилаётганга ўхшайди). Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади, ука! Ошир-оширни жойига қўямиз. Биргина сизнинг кўнглингнизи ололмасак, нима қилиб юрибмиз, ука? Тафтишчи: — Тушингизни сувга айтинг. Раис: — Келинг, ука, бу гал ҳам шаштингиздан қайтинг. Тафтишчи: — Йўқ, бўлмайди, раис бува. Айбни қилиб, мита каби халқ ҳақини кемирдингизми, энди беш-олти йил дам олиб ётинг. Раис: — Нима?!

Ўткир АЛИМОВ

Она табиат бўйлаб

— Денгиз сатҳидан анча баландликда жойлашган Тошқўрғон қишлоғидан ўттиз километрга-ча юқорига кўтарилса, «Қалъа шерон» дараси бошланади, —

Ернинг геологик тарихига кўра, бундан 190-195 миллион йил олдин бошланган ва 55-58 миллион йил давом этган Мезозой эрасининг иккинчи қисми Юра даврида бўйи 20-25 метрли, оғирлиги 30-35 тоннадан зиёд бўлган судралиб юривчилар яшаган. Икким ўзгаришлари, табиат ҳодисалари туфайли баҳайбат ҳайвонлар қирилиб кетган.

Табиатнинг ўзи бир мўъжиза. Узунлиги 670 метрдан зиёд Амир Темур горини кўрган киши ҳайратланиши турган гап. Баланд чўққилар бағридаги Ҳазрати Султон зияратгоҳини таваф этгани олис ўлкалардан зияратчилар келишади. Зифойлиги туфайли табиатга зиён келтирувчиларга қатий қоралар қўрилаяпти. Э.Бобомуродов, Б.Оромо, К.Еқубов сингари катта илмий ходимлар ноёб ва йўқолиб кетиш хавфига бўлган ўсимликлар ҳамда ҳайвонот олами биологисини ўрганиб, фенологик кузатишлар олиб боришади.

— Муҳофаза этиладиган табиий худудлар хавфсизлигини таъминлаш ва чуноқ ер ости сувлари заҳиралардан оқилана фойдаланиш мақсадида 2002 йил 6 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Қашқадарё сувини муҳофаза қилиш минтақаси ва қирғоқ бўйи хулосаларини белгилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди, — дейди табиатни муҳофаза қилиш вилояти кўмитасининг бўлим бошлиғи Қ.Ҳасанов. — Шунга мувофиқ 63482 гектар майдондаги тоза ичимлик суви сифатида ишлатилган Кинтоб ва Шаҳрисабз ер ости сув заҳиралари республика аҳамиятига молик худуд сифатида муҳофазага олинди.

Минг бир

қушларнинг 103, ҳайвонларнинг 28, баллиқларнинг 2 тури учрайди. Қушлардан бургут, болтаютар, митти бургут, кумаи, итолги, сут эмизувчилардан қор қолони (илвирс), Туркистон силвосини, кўнғир айқ ва Урта Осий кундузи «Қизил китоб» дан жой олган. Табиатни муҳофаза-лаш, биологик хилма-хиллини сақлаш бора-бора кейинги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ишлар туфайли энг ноёб ҳайвон турларидан ҳисобланган силвосинлар 4-5, қор қолони 2 ва кўнғир айқ 5,5 бараварга кўпайди.

Олдий педагогикдан таниқли ёзувчи даражасига етишган, «Мувоозанат тарозуси», «Чумолилар сўмоғи», «Меҳрим сенга, табиат» каби ўнлаб китоблар муаллифи, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибиди, чирокчилик Фози Раҳмон она юртининг ўзига хос ҳайвонот ва наботот дунёси, қадимий ва тақрорланмас табиий ёдгорликлари ҳақида тўққиланиб сўзлаб берди.

Катта майдонни эгаллаган кўриқхонанинг Филон, Мироқи, Танқоздар, Қизилсув бўлимлари раҳбарлари Маматрайим Маматов, Абдулаҳат Ганиев, Эргаш Маматқулов ва ўрмон Содиқовларнинг

Мўъжиза

дейди Фози ака фахр билан. — Кўкитмир тусдаги юксак қояларда динозавр излари кўзга ташланади. 1974-1975 йилларда тоғларда илмий тадқиқот ишлари олиб борган олимларнинг аниқлашича, Юра даврига оид 31 та из яши сақланиб қолган. Товуқ панжасига ўхшаб кетадиган бу излар қояга 15-17 сантиметргача ботиб турибди. Юза ўлчами 40х60 сантиметр атрофида.

лол сувлар шашт билан оқиб тўшаётган Сувтушар, Ҳўкизбурун, Свердлов ва Ботирбой музликларидан бошланган Оқсув дарёси олоқ тўлқинларга чулғаниб, мажланиб оқди.

Агар йўлингиз тушиб «Ҳисор» кўриқхонасига келсангиз, она табиатнинг асл гўзаллигидан баҳра олиб, минг бир мўъжизанинг гувоҳи бўласиз.

И. ИСОМИДИНОВ

Хунарнинг нозик сирини

Advertisement for Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Bosh muharrir: Abdullolliq Abdurazzoqov. Tahrir haqi: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Davud MADYEV, Jahongir SHAROFBOYEV, Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat ALIYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oqsulov NAFAVOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESOMBAYEV. Bo'limlar: Kasaba uyushmalari haqoti, Nuquq va xalqaro haqot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Kattalar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasini, 24-uy. E-mail: ishonch-doverie@mail.ru. Nashr ko'rsatkichi: 133; 134. Navbatchi muharriri: N. Rafiqov, Navbatchi: A. Abdullaev, Musahhin: N. Yo'ldoshev. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H. Abdullajlov va Y. Mixaylovskiy. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy. O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta haftanang seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Tijorat materiallari. Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 22.50. Buyurtma G — 614. 10766 nusxada bosildi. 1 2 3 4 6 7 8